Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 27-mart. Payshanba • 37 (31.784) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

# Электорат манфаатини ҳимоя қилишни

## *янги босқичга кўтариш лозим*

**Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IX пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши, Марказий тафтиш комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.**

Пленумда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг электорат манфаатларига жавоб берувчи дастурий мақсад ҳамда вазифаларни амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи атрофлича кўриб чиқилди. Бу ҳақда **партия Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов** маъруза қилди.

Партия етакчиси бугунги кунда партия ташкилотлари, депутатлик тузилмалари олдида турган энг муҳим устувор вазифалар ҳақида сўз юритди. Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш юзасидан билдирган фикрларидан келиб чиқиб, электорат манфаатини ҳимоя қилишни янги босқичга кўтариш лозимлигини таъкидлади.

Жумладан, у партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг электорат манфаатларига жавоб берувчи устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалий жиҳатдан ҳал қилишда яратилган ташкилий-ҳуқуқий шароитлардан самарали фойдаланиш масъулияти тобора ортиб бораётганига эътибор қаратди. Ўзбекистон ХДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ҳар бир гуруҳи, партиядан сайланган ҳар бир депутат ўтган даврдаги фаолиятини танқидий таҳлил қилиши ҳамда йил давомида шу масалаларда сезиларли амалий натижаларга эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиши лозимлиги қайд этилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг устувор ижтимоий йўналишлари ҳамда парламент томонидан тасдиқланган 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ҳар бир партия гуруҳининг муҳим вазифаларидандир.

Шунингдек, пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси фаолияти ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.









Кун тартибидаги масалалар юзасидан **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Назира Матякубова, ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов, Юнусобод туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Кузиева, ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти маркази мудири Шоҳрухмирзо Абдураҳмонов** сўзга чиқди.

Пленум кун тартибидаги барча масалаларни батафсил муҳокама этганидан сўнг, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил танишасиз.

**Бекзод ШУКУРОВ**

> **Ўзбекистон ХДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ҳар бир гуруҳи, партиядан сайланган ҳар бир депутат ўтган даврдаги фаолиятини танқидий таҳлил қилиши ҳамда йил давомида шу масалаларда сезиларли амалий натижаларга эришиш йўлида бор имкониятларни ишга солиши лозимлиги қайд этилди.**

# Ижроия қўмита йиғилиши

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг вилоят партия кенгашлари раислари ҳамда Марказий Кенгаш масъул ходимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ижроия қўмита партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш, Устав фаолиятини янада кучайтириш билан боғлиқ қатор масалаларни муҳокама этди. Хусусан, партияга давлат бюджетидан ажратилган ва бошқа манбалардан келиб тушган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий-хўжалик ишларни юритишни такомиллаштириш, партия ташкилотлари фаолиятидаги айрим камчиликларни бартараф этиш, қабул қилинаётган қарорларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш каби масалалар батафсил кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан ЎзХДП Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд вилоят ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари раҳбарларининг ҳисоботлари, Қорақалпоғистон республика ва бошқа вилоятлар партия кенгашлари етакчилари, Марказий Кенгаш бўлим мудирларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Ижроия қўмита партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда Устав фаолиятини амалга ошириш ишларини кучайтириш, партия ташкилотлари томонидан йўл қўйилаётган сусткашликларни бартараф этиш бўйича зарур кўрсатмалар берди ва кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати.**

**ЎзХДП: тажриба ва таҳлил**

# Юқоридан қуйига эмас, қуйидан юқорига

***Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган амалий семинар янгича ёндашувлар асосида ўтказилди***



ЎзХДП тизимида электорат билан ишлашнинг янги усулларидан фойдаланиш, намунали партия ташкилотлари ишини оммалаштириш, тажрибасини кенг тарғиб қилиш, шу асосда минтақавий ташкилотлар ва партия гуруҳлари ишини янада кучайтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Партия Марказий Кенгаши ташаббуси билан Чирчиқ шаҳрида ўтказилган семинар ҳам ана шу долзарб масалаларга бағишланди.

Марказий Кенгаш масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари, партия гуруҳлари раҳбари иштирокида ўтган тадбир ноанъанавий тарзда ташкил этилди. Семинар бошланишидан олдин унинг иштирокчилари Чирчиқ шаҳар кенгашидаги бошланғич партия ташкилоти, «Фаол аёллар» қаноти, «Истиқбол» ёшлар қаноти, партия гуруҳи фаолияти билан батафсил танишди.

► *Давоми 2-бетда.*

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси**

**аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш тарафдори.**

**Бандлик**

# Коллеждан корхонага

***Чимбой туманидаги «Чимбой дон» очиқ акциядорлик жамиятида ун ишлаб чиқариш цехи ишга тушди.***

***Кунига 50 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган мазкур цех замон талабларига мос технологиялар билан жиҳозланган.***

— Мен Чимбой туман қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежини тугатганман, — дейди **Байрам Утемурадов.** — Коллежда олган билимларим амалиётда жуда асқотмоқда. Келгусида соҳанинг етук мутахассиси бўлиш учун бор қобилиятимни ишга соламан. Бизга шундай шароит яратилганидан миннатдормиз.

— Сифатли ва витаминга бойитилган ун маҳсулотлари халқимизга манзур бўлмоқда, — дейди **«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чимбой туман бўлими раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Бахитли Абдуллаев.** — Корхона модернизация қилингандан сўнг янги очилган иш ўринларига асосан касб-ҳунар коллежи битирувчилари бўлган 30 нафар йигит-қиз ишга қабул қилинди.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎзХДП: электорат манфаати**



**Менинг назаримда улар моддий нарсаларга эмас, меҳрга, муҳаббатга, эътиборга, суҳбатдошга муҳтож одамлар. Шунинг учун ҳам миллий қадриятларимизга ёт бўлган турли дабдабалардан кўра, мана шундай даргоҳларда умр кечираётган инсонларга эътибор кўрсатсак яхши бўлар эди.**

⇨ 4

**«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг**

**Электорат билан бевосита мулоқот**

***муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этиш имконини беради***



**www.uzbekistonovozi.uz**

**Фикр**



**Раимберган САБУРОВ,**
**ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси:**

*— Партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда устав фаолиятини амалга оширишда партияга давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, бу борада масъулиятни янада ошириш керак.*

*Партия бюджетидан оқилона фойдаланиш бўйича бизда катта тажриба тўпланган. Марказий Кенгаш томонидан қатор ўқувлар ўтказилди. Аммо тажриба шуни кўрсатмоқдаки, айрим партия кенгашлари томонидан молиявий масалаларда камчиликларга йўл қўйилмоқда.*

*Шуларни инобатга олиб, партия маҳаллий кенгашларининг бош ҳисобчилари ва иш бошқарувчиларининг доимий равишда малакасини ошириб бориш тизимини ташкил этиш керак, деб ҳисоблайман.*

**Мўтабар КАРИМОВА,**
**ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:**



*— Молия-хўжалик юритиш амалиёти йилдан йилга такомиллашиб боряпти. Шу сабабли ҳам партия ташкилотларида ишлайдиган ва айнан шу масалалар учун жавобгар ҳисобланган кадрлар соҳадаги янгиликлардан доимо хабардор бўлиб бориши ҳамда уларни амалда қўллай билиши партия маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади.*

*Молия-хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунлари, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ҳаётнинг ўзи мазкур қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда.*

*Демак, бош ҳисобчилар, иш бошқарувчилар фаолиятини услубий материаллар билан таъминлаш, қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор этиб бориш ишларини изчил йўлга қўйиш талаб этилади.*

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Тошкент шаҳар Олмазор туман партия кенгаши билан ҳамкорликда «Соғлом бола соғлом оилада камол топади» мавзуида тадбир ўтказди.

*Шу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз.*

Ҳудудлардан келган партия етакчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда улар устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришга доир долзарб масалалар юзасидан ўзаро тажриба алмашди

**ЎзХДП: тажриба ва таҳлил**

# Юқоридан қуйига эмас, қуйидан юқорига

***Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган амалий семинар янгича ёндашувлар асосида ўтказилди***



**◄ 2013 йилда халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан иккита масала сессия муҳокамасига олиб чиқилди. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига турли масалалар юзасидан 18 марта депутатлик сўровлари юборилди. Уларнинг аксарият қисми ўзининг ижобий ечимини топди.**

Чирчиқ шаҳридаги биринчи маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган ҳудудий бошланғич партия ташкилоти иш тажрибаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бошланғич партия ташкилоти ахборот-маърифат бурчаги юздан ортиқ сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар, услубий қўлланмалар билан таъминланган. Шунингдек, фуқароларни қабул қилиш хонаси ҳам партиянинг ғоя ва мақсадларини ифодалайдиган кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Бу фуқароларнинг партияга бўлган қизиқишини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга восита ҳисобланади.

— Сиёсий партиянинг бош бўғини бошланғич ташкилотлардир, — дейди **биринчи маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳудудий бошланғич партия ташкилоти етакчиси Маҳмуд Мирзаев.** — Айни пайтда бошланғич ташкилотимизга 40 нафарга яқин партия аъзоси бирлашган. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар мазмун-моҳияти билан чуқур таништириш, партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда бошланғич ташкилотнинг ўрни ҳақида кенг тушунча бериб бораяпмиз.

**Бугунги кунда ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгашида 77 бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг 42 таси ҳудудий партия ташкилотларидир. Мазкур бошланғич ташкилотлар электорат муаммоларини ўрганиб, таклифларини юқори партия ташкилотлари ва депутатларга етказмоқда. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотларида ҳар ойнинг охирги шанба куни етакчилар учун ўқув-семинарлар ўтказиб келинмоқда.**

► *Давоми. Боши 1-бетда.*

Ўқув-семинарнинг асосий қисми ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгашида ўтказилди. Унда халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳининг ўтган йилда электорат манфаатларини таъминлаш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилган фаолияти таҳлил этилди.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳининг «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш борасидаги ишлари кўриб чиқилди.

2013 йилда халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан иккита масала сессия муҳокамасига олиб чиқилди. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига турли масалалар юзасидан 18 марта депутатлик сўровлари юборилди. Уларнинг аксарият қисми ўзининг ижобий ечимини топди.

— 2013 йилнинг 25 май куни халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши сессиясида партия гуруҳимиз ташаббуси билан «Ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари билан уч томонлама шартнома тузиш ҳолати ва уларнинг ижросини таъминлаш тўғрисида»ги масала муҳокама этилди, — дейди **ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Дониёр Азизхўжаев**. — Бунгача биз мазкур масалани ўрганиш учун ишчи гуруҳи ташкил этиб, уларнинг таҳлилларини партия гуруҳимиз йиғилишида кўриб чиққан эдик. Шундан сўнг масалани халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш ҳамда ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси мажлисида атрофлича таҳлил этдик. Айни кунда мазкур сессия қарори ижроси юзасидан тизимли назорат ўрнатганмиз. Жорий йилда ушбу қарорнинг ижро этилиши масаласини сессияга олиб чиқишни режалаштирганмиз.

Муҳокамалар чоғида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларининг назорат функцияларини мустаҳкамлаш, шунингдек, партия гуруҳларининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги фаолияти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат дастурлари тизимли бажарилиши юзасидан изчил жамоатчилик назоратини олиб бориш масалаларига доир қатор таклифлар берилди.



**ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири Зулфия Зокирова «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг самарали бажарилишида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари олдида турган вазифаларга тўхталди.**

— Мазкур Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси кўп жиҳатдан ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг изчиллигини, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, Дастурга кўра, Тошкент вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 1050 та уй-жой қурилиши белгиланган. Шунингдек, 192 ёш оилага уй-жой қуриш ва рўзғор буюмлари харид қилиш учун фоизсиз ссудалар бериладиi. Шундан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан Бўстонлиқ ва Зангиота туманларида уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш, уларни сифатли барпо этиш борасида олиб борилаётган ишлар ўрганилади ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси йиғилишида муҳокама қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида белгиланган вазифалар ижросини ўрганиш кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб, Олмалиқ шаҳар, Оҳангарон, Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Юқори Чирчиқ туманларида ушбу масалалар партия гуруҳлари, доимий комиссиялар ҳамда сессиялар муҳокамасига олиб чиқилиши белгиланган.

Бундан ташқари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича Бекобод шаҳар, Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Қибрай, Паркент, Пскент туманларида олиб борилаётган ишлар халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари ва тегишли доимий комиссиялар қўшма йиғилишларида муҳокама этиш режалаштирилган. Айни кунларда ишчи гуруҳлари бу масалалар бўйича жойлардаги аҳволни ўрганишга киришди.

**Ҳудудлардан келган партия етакчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда улар устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришга доир долзарб масалалар юзасидан ўзаро тажриба алмашди.**

— Бугунги семинарда ўрганган тажрибаларни келгусида қўллаш лозим, — дейди **ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов**. — Айниқса, менга Чирчиқ шаҳар кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш услуби маъқул келди. Суҳбат жараёнида бошланғич партия ташкилоти етакчиси ҳам ўзининг ҳар томонлама чуқур сиёсий-ҳуқуқий билимга эга эканлигини кўрсатди. Ўзи амалга ошираётган янги ғоялар ҳақида фикр юритди. Тан олиш керак, бу борада ўрганишимиз зарур бўлган жиҳатлар кўп экан. Ўйлайманки, ушбу семинардан кўзланган бош мақсад ҳам тажриба алмашиш, иш ўрганиш, шу орқали зиммамизда турган долзарб масалаларни ҳал этишга эришишдир.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросида Тошкент вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ва партия гуруҳлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилиши режалаштирилганига гувоҳ бўлдик, — дейди **ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов.** — Давлат дастури ижросини қатъий назорат қилишдаги бундай изчил ёндашув ўзининг ижобий натижасини беради. Ушбу тажрибани бизнинг партия ташкилотларида ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Бу жараёнда ҳам Давлат дастури аниқ ижро этилади, ҳам электорат манфаатларини таъминлаш йўлидаги ишларимиз самараси ортади.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Анжуманда, шунингдек, **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев, ЎзХДП Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Боймурод Юсупов, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Олимжон Тўйчиев ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди**.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**МУНОСАБАТ**

**Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табригини газетада ўқиб, кўнглимдан кўп фикрлар ўтди. Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг биз, ёшларга мурожаатидан жуда ҳаяжонландим, ғурурландим. Фақат мен эмас, барча тенгдошларим бу ҳақда тўлиб-тошиб гапирмоқда. Қалб тўридан чиққан самимий сўзлар юртимиз ёшларини янги-янги марраларга, ғалабаларга илҳомлантиради.**

# Қалб тўридан чиққан сўзлар

***юракларнинг туб-тубига етиб бормоқда***



**Умурбек БЕКТЕМИРОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти маркази катта референти.**

«Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, **етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради»**.

Бу даъват ҳар биримизни ўз ҳаётимиз, танлаган йўлимиз, қандай режаларни амалга ошираётганимиз, ким бўлиб етишишга интилаётганимиз ҳақида яна бир бор жиддий ўйлаб кўришга ундайди.

Хўш, биз бундан қандай хулоса чиқаришимиз керак? Аввало, халқимиз, Ватанимиз, қолаверса, келажак авлодлар олдида қанчалик катта масъулиятимиз борлигини теран тушуниб олишимиз зарур, деб ўйлайман. Ёшлар Президентимиз орзу қилган авлод бўлиб вояга етишига Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳам муносиб ҳисса қўшиши лозим.

Маълумки, қанотимиз фаолиятининг асосий йўналиши ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бўлғуси депутатлар, партия етакчилари — сиёсатчиларни шакллантиришга қаратилган. Демак, биз ана шу фаолиятимизни тубдан такомиллаштириш, ривожлантириш учун қатъият билан иш олиб боришимиз зарур. Сафимизда фаол, мамлакатимиз ва унинг атрофида, дунёда юз бераётган воқеалар, янгиликларни теран таҳлил эта оладиган, мустақил фикрга эга, турли муаммоларни ҳал этиш бўйича ўз таклифларини билдира оладиган ёшлар қанча кўп бўлса, партиямиз кучи, нуфузи шунча ошади.

Президентимизнинг бирор чиқиши йўққи, ёшлар масаласига алоҳида тўхталмаса. Наврўз табригида ҳам «...биз ўзлигини, ўз қадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни **бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз** ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз», дея таъкидлагани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат, шижоатимизга яна шижоат бағишлади.

Биз жаҳоннинг ҳеч қайси мамлакати ёшларидан кам эмасмиз ва олдимизга қўйган улкан мақсадларимиз сари қўрқмасдан, дадил қадамлар билан олға интилаверамиз. Чунки буюк халқимиз бизни қўллаб турибди. «Болаларим, мен сизлар учун жонимни беришга ҳам тайёрман» деб бизга бағрини очиб турган Юртбошимиз бор. Шундай экан, биз нима учун етук инсон, комил фарзанд бўлиб етишишга жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилмаслигимиз, Ватан тақдирини ўз қўлимизга олишга тайёр бўлмаслигимиз керак? Бунинг учун бизда имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

# Маҳалла ходимларининг ўқуви

**Нукусда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ва унинг жойлардаги бўлинмалари ходимларининг малакасини оширишга бағишланган икки кунлик ўқув-семинари бўлиб ўтди.**

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетида бўлиб ўтган тадбир иштирокчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарлари мазмун-моҳияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ҳақида кенг тушунчага эга бўлди. Ушбу асарлар ва маърузанинг асосий ғоясини маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишни ташкил этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Ўқув-семинарда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида», «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини таъминлашда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни, оила — маҳалла — таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорлик механизмини янада кучайтириш, фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги вазифалар юзасидан маърузалар тингланди.

— Ўқув-семинар ходимларимиз учун жуда фойдали бўлди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси Хўжабой Элмуратов. — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш юритишни ташкил этиш, фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштиришга оид билимларини бойитди. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинлари томонидан ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамларни тайинлаш тартиб-таомилларига риоя этиш борасида ўзаро тажриба алмашди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

www.xdp.uz
Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

ҲУДУДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

***Олис Қизилқумнинг бу ҳудудларида яқин-яқингача сукунат ҳукмрон эди. Аҳён-аҳёнда бир икки чўпон сурувини ҳайдаб ўтмаса, бошқа пайт яйдоқ чўлда ҳеч кимни кўрмасдингиз...***

# Йўлсозларнинг машаққатли меҳнати

## *ҳаракат хавфсизлигини таъминламоқда*



Бугун эса «Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус» янги темир йўли сарҳадсиз саҳро бағрини кесиб ўтиб, воҳани тараққиёт, ободлик сари бошламоқда. Ям-яшил саксовуллару, каррак, ёвшон сингари ёввойи ўсимликлар оралаб ўтган йўлдан «пўлат карвонлар»нинг шовқин-суронли овози тинмайди. Қудратли локомотивлар гоҳ йўловчи, гоҳ юк вагонларини шиддат билан манзили томон элтади. Поездлар қатнови тингани ҳамоноқ, рельслар бўйлаб эгнида сариқ камзул кийган кишиларни учратасиз. Улар Учқудуқ темир йўл масофаси йўлсозлари.

Бу бепоён ҳудудларда табиатнинг қаҳри қаттиқ. Қиши серёғин, баъзан қуруқ, изғирин совуқ, ёзи эса жазирама. Бийдай даштда саҳро шамоли тўзиб қолса борми, темир изларни бир зумда қор ёхуд қум уюмлари кўмади-қўяди. Нафсиламрини айтганда, саҳро инжиқликларига унча-мунча одамнинг бардош бериши амримаҳол. Аммо учқудуқлик йўлсозлар бу қийинчиликлардан асло чўчимайди.



Корхонага қарашли йўллар илгари Навоий темир йўл масофаси тасарруфида эди. Кейинчалик корхона қисқартирилиб, линия йўллари Учқудуқ темир йўл масофаси тасарруфига берилди. Бугунги кунда жамоа аъзолари зиммасига 465,3 километр линия йўлларини таъмирлаш ва поездларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Шу билан бирга, радиуси 400-600 метр бўлган 173 километрлик эгри участкалар, 232 йўл ўтказгич, 34 темир йўл кесишмаси, 227 сунъий иншоотга ҳам улар хизмат кўрсатишяпти. Бу ишлар жамоада меҳнат қилаётган тўрт юздан зиёд тажрибали йўл усталари ва ишчилар томонидан сифатли бажарилмоқда. Чунончи, ўтган йил бир ярим километрдан зиёд масофага янги рельслар ётқизилди. Яна 19 километрлик линия капитал, 32 километр йўл ўрта ва 26 километр йўл эса кўтарма таъмирдан чиқарилди. Иккита йўл ўтказгич, 15 комплект темир-бетон ва ёғоч брус, 7586 темир-бетон шпаллар алмаштирилиб, белгиланган режа уддаланди.

Ҳозирги кунда йўлсозлар саъй-ҳаракати билан бир ойда ўртача 8-10 километр масофалик йўллар таъмирланяпти. Техник хизмат ва таъмир ишлари 4 мотодрезина ва 26 турли русумдаги техникалар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу борада корхона тасарруфидаги 20 участканинг 16 тасида иш махсус вахта асосида ташкил этилиб, техник хизмат ва таъмир ишларига тажрибали йўл усталари жалб этилган.

— Йўллар сифатини мунтазам назорат қилиш кишидан бир мунча синчковлик, ҳушёрликни талаб қилади, — дейди **корхона бош муҳандиси Ҳабиб Раҳматов.** — Айниқса, намгарчилик кунларида. Шу боис, ишчиларни йўл асбоб-ускуналари ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, уларнинг иш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Ўтган йили корхонада темир йўл транспорт касб-ҳунар коллежларининг 16 нафар битирувчиси ишга қабул қилинди. Айни кунларда улар тажрибали устозларига бириктирилган ҳолда иш ўрганиб келишяпти.

— 2014 йилда жамоамиз олдида 28 километр йўлни капитал, 26 километр масофани ўрта, 12 километр масофани кўтарма таъмирдан чиқариш, қўшимча 2 километр йўлнинг рельсларини алмаштириш, 16 километр узлуксиз йўл ётқизиш ва бошқа сунъий иншоотларни таъмирлаш каби вазифалар турибди, — дейди **корхона раҳбари Муртазо Ҳамроев.** — Жамоамиз билан биргаликда бу ишларни ҳам ўз вақтида бажариб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшамиз. Мақсадимиз битта — равон йўлларда поездларимиз ишончли ва хавфсиз ҳаракатлансин!

**Жамшид ХОЛОВ,**
**«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Ахборот хизмати мутахассиси.**




## Иқлимшунослар огоҳлантирмоқда



### 2050 йилга бориб...

Амстердамлик иқлимшуносларнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатмоқдаки, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида, Ғарбий Европада сув тошқинларининг юз бериш ҳолати дунё бўйича етакчи ўринда. Кейинги пайтда бундай табиий офат Шарқий Европани ҳам четлаб ўтмаяпти.

Юз берган сув тошқинларидан сўнг унинг оқибатларини бартараф этиш ва инфраструктурани тиклаш ишлари учун ажратилаётган маблағларни йилларга ўртача тақсимлайдиган бўлсак, ҳар йили 5 миллиард еврога яқин маблағ сарфланаётгани аёнлашади.

Олимларнинг фикрича, ижтимоий ва иқтисодий ўсишни таъминловчи инфраструктуранинг тезкор ривожи иқлим мувозанатига таъсир жараёнларини кенгайтиради ва бу сув тошқинлари содир бўлиш даражасини оширади. Бугунги кунда ўртача ҳисобда 16 йилда бир марта улкан сув тошқинлари юз бериши кузатилаётган бўлса, 2050 йилга бориб, бу ҳолат 10 йилда бир марта содир бўлади ва уларни бартараф этишга сарфланадиган харажатлар йилига 23 миллиард еврога етиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу боис юз берадиган табиий офатлар ва ундан кўриладиган зарарлар миқдорини камайтириш учун айнан шу йўналишга қаратилган масалалар борасида мамлакатлар бирдамлиги ҳамда офатлар олдини олиш бўйича янги технологиялар яратиш талаб қилинади.

## Ернинг табиий йўлдоши



### метан манбаси

Ойдаги органик моддалар фақат комета билан боғлиқ жараёнлардагина юзага келмайди, балки космик нурланиш натижасида ҳам таркиб топади. Айнан шундай жараёнлар Меркурий сайёрасида ва муз мавжуд бўлган бошқа сайёраларда ҳам органик моддалар захираси вужудга келишига замин яратиши эҳтимолдан холи эмас.

Ой орбита зонди («LRO») детектори ёрдамида олинган манбалар тадқиқи Гавай ва Жонс Хопкинс университетлари астрофизикларини шундай хулоса чиқаришга ундади. Ва улар бу хулосаларини «Icarus» ҳамда «New Scientist» журналларида чоп этдилар.

Муаллифлар гапларига қараганда, Ой тупроғидаги протон нурланиш даражаси шундайки, тупроқ таркибидаги жўн неорганик моддаларни ( қаттиқ CO2 ва аммиак) органик бирикмага, аввало, метанга айлантиради. Ой пайдо бўлганига миллиард йиллар бўлган бўлса, шу давр мобайнида неорганик молекулалар ҳажмининг 6 фоизи органик бирикмага айланганига шубҳа йўқ.

Ой тупроғида органик моддалар мавжудлигини 2009 йили «LCROSS» зонди Ойга қулаши натижасида пайдо бўлган булут спектрини таҳлил қилиш ҳам тасдиқлаганди. Кейинчалик эса «Мессенжер» аппарати Меркурийдаги кратерни тасвирга тушириб, Ерга узатган сурат таҳлили ҳам у ерда бундай модда борлиги ҳақида тасаввур берганди.

Яна бир гап. Аввалроқ, физиклар космик нурланиш ой тупроғида сув ҳосил бўлишини юзага келтиради, деган илмий хулосага келгандилар. Ҳақиқатан ҳам нурланишнинг асосини ташкил қилувчи протонлар Ой тупроғидаги электронларни ютади ва водород атомига айлантиради. У эса тезда оксидланиб, сувни ҳосил қилади.

ТАДБИР

***Пойтахтимизда жойлашган «Ўзэкспомарказ»да «Uzbekistan Industrial Forum — 2014» VI халқаро саноат форуми бошланди. Анжуман доирасида олтита ихтисослаштирилган халқаро кўргазма ҳам ташкиллаштирилмоқда.***

# Халқаро форум бошланди

Ушбу форум Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзкимёсаноат», «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниялари, Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида «IEG Uzbekistan» компанияси томонидан ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон, Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Нидерландия, Польша, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Туркия, Чехия, Россия, Беларусь, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан элликдан зиёд корхона иштирок этмоқда.

«Uzbekistan Industrial Forum — 2014»нинг очилиш маросимида юртимизда металлургия, металлга ишлов бериш, тоғ-кон, кимё саноати, машинасозлик, махсус техника ишлаб чиқариш каби соҳалар шиддат билан ривожланаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўтказилаётган кўргазмаларда тоғ-кон, металлургия ва энергетика тармоқларида фойдаланиладиган саноат қурилмалари, эҳтиёт қисмлар ҳамда комплексларни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топширишга ихтисослашган корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Халқаро форум иштирокчилари юртимиз ва хорижий давлат ишлаб чиқарувчиларининг технологиялари, ускуналари ва ихтисослаштирилган техникаси билан ҳам танишиш имкониятига эга. Мисол учун, «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси халқаро талабларга тўла жавоб берадиган эллик турдан ортиқ юк ва махсус техникаларини намойиш этмоқда.

Кўргазмада пўлат эритиш печлари, силлиқлайдиган ускуналар, назорат-ўлчаш асбоблари, қаттиқ ва оғир эритмалардан тайёрланган

**Халқаро форум иштирокчилари юртимиз ва хорижий давлат ишлаб чиқарувчиларининг технологиялари, ускуналари ва ихтисослаштирилган техникаси билан ҳам танишиш имкониятига эга.**

буюмлар ишлаб чиқарадиган компаниялар ҳам қатнашмоқда. Ўзбекистоннинг «Center Of Welding Technologies» масъулияти чекланган жамияти, Жанубий Кореянинг «KORLOY», Германиянинг «SPECTRO Analytical Instruments GmbH» компаниялари шулар жумласидандир.

Форумда корхоналарда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсиз ишлашини таъминлашда қўлланадиган янги технологиялар ҳам намойиш этилаётгани диққатга сазовор. «Ages Communications», «Newmax Technology» (Ўзбекистон), «Caribbean Trading», CO. LLC (БАА), «Escorts International» (Покистон) компаниялари ускуналари айнан шу мақсадда яратилган.

Ушбу халқаро анжуманда иштирок этган кўплаб корхоналар назорат-ўлчаш, энергия ресурсларини ҳисобга олиш асбоблари, автоматлаштирилган бошқарув, бинолар хавфсизлигини таъминлаш тизимларини намойиш этди.

«Uzbekistan Industrial Forum — 2014» халқаро форуми уч кун давом этади. Анжуман доирасида «Тоғ-кон саноати учун мустаҳкам ва зангламайдиган пўлат» мавзусида семинар ўтказилиши ва Teclot.com — ягона Евроосиё электрон савдо майдонининг тақдимоти маросими ҳам бўлиб ўтиши кутилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

ДАВРА СУҲБАТИ

# Халқ маслаҳатчилари институти ривожланмоқда



**Мамлакатимиз суд тизимида жамоатчилик вакилларининг кенг иштирокини таъминлашга қаратилаётган эътибор одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқ маслаҳатчилари институти шаклланганни ва уларнинг жиноят иши муҳокамасида иштирок этаётгани бунинг амалдаги тасдиғидир.**

Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Жиноят ишларини кўришда халқ маслаҳатчиларининг иштироки ва суд амалиётидаги долзарб масалалар» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ва Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, судьялар, прокурорлар, адвокатлар, халқ маслаҳатчилари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси А.Раҳимов, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Ш.Ғозиев, Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази директори вазифасини бажарувчи Р.Давлатов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд тизими фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилувчи мустақил институтга айланганини алоҳида таъкидлади.

Жамоатчиликнинг, хусусан, халқ маслаҳатчиларининг суд ишларида фаол иштироки жараённинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, адолатли қарор қабул қилинишига хизмат қилмоқда.

Халқ маслаҳатчилари институтига оид қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, «Судлар тўғрисида»ги қонун ва «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги низомда белгилаб қўйилган. Ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, оғир ва ўта оғир тоифали жиноят ишлари биринчи инстанция суди томонидан судьялар ва судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган икки нафар халқ маслаҳатчисидан иборат суд таркиби томонидан кўриб чиқилади.

Халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишларини кўришдаги иштирокини янада фаоллаштириш, бунинг учун фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш бугунги кундаги долзарб вазифалардандир. Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази томонидан мазкур институт фаолиятига оид мониторинг ўтказилди.

Мониторинг жараёнида халқ маслаҳатчилари институтини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқ маслаҳатчиларининг суд ишларини кўришдаги иштироки, мазкур масала билан боғлиқ хорижий тажриба чуқур ўрганилган.

Давра суҳбатида халқ маслаҳатчиларининг сайловини ўтказиш, ўқитишни ташкил этиш ҳамда уларнинг судлардаги фаолияти билан боғлиқ бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди. Халқ маслаҳатчилари институтига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг жиноят ишларини кўришдаги иштирокини фаоллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

SAVDOGAR BANK

# Кредитлар аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда

**Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини юксалтириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, кўп жиҳатдан молия муассасалари фаолиятига боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Дўстлик филиали жамоаси ҳам кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва йўналтирилаётган кредитлар миқдорини оширишга ҳаракат қилмоқда.**

Ўтган 2013 йилда филиал томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан 147 та кичик бизнес субъектларига жами 4767,0 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди ва белгиланган прогноз режа 183 фоизга бажарилди. Бу кўрсаткич эса ўтган йил шу даврига нисбатан 146 фоизга юқори бўлди. Таъкидлаш жоизки, кредитлар ҳисобига 180 янги иш ўрни яратилди.

Сармояларнинг 3667,0 миллион сўми саноат соҳасига, 575,0 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 588,0 миллион сўми савдо-сотиқ ва айланма маблағларни тўлдиришга, 753,0 миллион сўми қурилиш ишларига ва бино иншоотларни сотиб олишга, 641,0 миллион сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ажратилди.

Туман саноат салоҳиятини ривожлантириш мақсадида банк филиали томонидан «Нурли дон» масъулияти чекланган жамиятига замонавий технологик линиялар сотиб олиш учун 1700,0 миллион сўм, «Бўстон олами» масъулияти чекланган жамиятига эса ўсимлик мойини қадоқлаш линиясини сотиб олиш учун 1500,0 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди.

— Корхонамиз 2010 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Пахта техник чигитини, махсар ва кунгабоқар донини қайта ишлаб, ўсимлик мойи ва иккиламчи маҳсулотлар — шрот, шелуха ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди «Нурли дон» МЧЖ раҳбари Эркин Зокиров. — Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида «Савдогарбанк» Дўстлик филиалидан олган кредит эвазига ўсимлик мойини ишлаб чиқариш линияларини олиб келиб ўрнатдик. Ишлаб чиқариш қуввати янада ошди. 15 янги иш ўрни яратдик. Ишга қабул қилинганларнинг 8 нафари коллеж битирувчиларидир.

Айтиш керакки, филиал томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш учун ўтган йили 1029,0 миллион сўм миқдорида кредитлар йўналтирилган. Шунингдек, маҳаллий ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 352,0 миллион сўм миқдорида кредитлар берилган. Чунончи, «Қалқонли дунё» хусусий корхонаси ўз айланма маблағларини тўлдириш мақсадида банкдан олган 100,0 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига маҳаллий хомашёдан эшик-ром, турли хил мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, аҳолига етказиб бермоқда.

Тумандаги тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ходимларининг 50 фоиздан кўпроғини аёллар ташкил этувчи кичик бизнес субъектларига жами 433,0 миллион сўм кредитлар ажратилган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан яхши маълумки, иқтисодиёт равнақ топган сари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига бўлган талаб ҳам ортаверади. Бугунги кунда Дўстлик туманида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг узвий бўлаги бўлмиш мазкур тармоқдаги янгиланиш ва ўзгаришлар бунинг тасдиғидир. Шу ўринда молия муассасаси томонидан ўтган йил давомида туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 641,0 миллион сўм миқдорида кредитлар йўналтирилганини таъкидлаб ўтиш лозим.

— «Савдогарбанк» Дўстлик филиалидан 40,0 миллион сўм миқдорида кредит олдик, — дейди «Али Оил» кўп тармоқли хусусий фирма раҳбари Сайдали Налиев. — Молиявий мадад эвазига фаолиятимизни кенгайтириб, автомобилларга техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик. Янги иш ўринлари яратдик. Энг муҳими, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилашга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Банкнинг яна бир мижози «Иллюминатор Вонкар» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари Пардабой Рустемов ҳам 40,0 миллион сўмлик банк кредити эвазига туман аҳолиси ва меҳмонларига замонавий ва қулай меҳмонхона хизматларини йўлга қўйишга эришди.

«Савдогарбанк» Дўстлик филиали жамоаси жорий йилда ҳам молиявий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, банк амалиётлари тезкорлигини янада ошириш бўйича фаол ишлар олиб боришни мақсад қилиб қўйган. Бу эса туман иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай...

# Меҳрга муҳтож қалблар

## ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

**Ҳаёт кафтдаги чизиқлардай мураккаб. Бу йўлларда топмоқ ҳам, йўқотмоқ ҳам бор. Умр сўқмоқларида кимдир манзил-маконидан, яна биров оиласидан айро тушади. Айниқса, бу ҳол кексаликда юз берса янада оғир, янада мураккаб.**

Олмазор туманидаги Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида шундай тақдир эгалари истиқомат қилади.

Наврўз байрамига бағишланган хайрия тадбирларидан бири Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан шу масканда бўлиб ўтди. Унда Сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

— Муассасамизда 140 нафар фахрий яшайди, — дейди **пансионат директори Турсунмурод Эшиев.** — Давлатимиз томонидан уларга катта ғамхўрлик кўрсатилади. Лекин бу отахону онахонларга меҳр, эътибор керак. Улар пансионатга келган меҳмонларни яхши кўради. Суҳбатлашгиси келади. Шунинг учун ҳам биз ташриф буюраётганларга совғадан ҳам кўра эъзоз, оқибат кераклигини айтамиз. Наврўзда кимнингдир кўнглини олиш, ёрдам бериш



халқимизга хос қадриятлардан саналади. Бундай учрашувлар йил давомида ўтказилади. Бу ерда ҳар бир киши учун алоҳида хона ажратилган. Қариялар ва фахрийлар доимий равишда тиббий кўрикдан ўтказилади, керакли муолажалар қилинади. Уларга 80 нафар ходим хизмат кўрсатади. Ҳомийлар иштирокида тез-тез хайрия тадбирлари уюштириб турамиз.

**Риҳсихоним ИБРОҲИМОВА,**
***Ўзбекистон халқ артисти:***

— Наврўз миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни тараннум этувчи энг қадимий ва гўзал айём. Бу кунда кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олинади, қувонч улашилади. Ёши улуғлар йўқланади. Улардан дуо олинади. Бугунги учрашув ҳам фахрийларнинг кўзларига қувонч, юзларига табассум олиб кирди десам, янглишмаган бўламан. Уларга ижро этган ролларимдан монологлар ўқиб бердим. Биз одамларга озгина бўлса ҳам ёруғлик улашганимиздан хурсандмиз.

**Муқаддам РАСУЛОВА,**
***Олмазор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:***

— Бу ерга тез-тез келиб тураман. Байрамлар, учрашувлар ўтказамиз. Нуронийларимиз билан ҳаёт ҳақида, унинг мураккабликлари тўғрисида суҳбатлашаман. Менинг назаримда улар моддий нарсаларга эмас, меҳрга, муҳаббатга, эътиборга, суҳбатдошга муҳтож одамлар. Шунинг учун ҳам миллий қадриятларимизга ёт бўлган турли дабдабалардан кўра, мана шундай даргоҳларда умр кечираётган инсонларга эътибор кўрсатсак яхши бўлар эди.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

— Мен бу даргоҳда 24 йилдан бери ишлайман. Тонгги соат олтидан иш фаолиятим бошланади, — дейди **ошпаз Нозима Ғуломова.** — Масаллиқларни ҳозирлаб, нонушта тайёрлашга киришаман. Шароитлар яхши. Кексаларга 5 маҳал овқат берамиз. Бу ердаги инсонлар ота-онамдай бўлиб қолишган. Уларга имкон қадар хушмуомала бўлишга ҳаракат қиламан. Пансионатда турли миллат вакиллари бор. Уларнинг тили, дунёқараши турлича. Туғилган кунларида жамоа билан алоҳида табриклаймиз. Тансиқроқ таом пишириб беришга ҳаракат қиламиз.

Пансионатда ҳар бир кишининг саломатлиги алоҳида эътиборда.

**Меҳри МЎМИНОВА,**
***терапевт:***

— Пансионатда фахрийлар саломатлигини доимий равишда назорат қилиб борамиз. Дори-дармонлар етарли. Беморларимизнинг кексалигини ҳисобга олиб, аввало, яхши сўз, кейин малҳам билан даволаймиз.

**Камолиддин АКРОМОВ,**
***ЎзХДП Олмазор туман кенгаши раиси:***

— Ушбу пансионат доимо партиямиз эътиборида бўлиб келган. Ҳар бир байрамда уларнинг ҳолидан хабар оламиз. Бу ердаги кексалар ва ходимлар орасида 18 нафар партиямиз аъзоси бор. Наврўз байрами арафасида ҳам бу даргоҳга келиб, хайрия ҳашари уюштирдик, нуронийлар билан суҳбатлашдик, совғалар улашдик. 9 май — «Хотира ва қадрлаш куни» арафасида пансионатда катта ҳашар ўтказишни режалаштираяпмиз.

...Хуллас, Наврўз минг-минглаб кўнгилларга ором бахш этишда давом этмоқда. Аслида амалларнинг энг эзгуси инсон кўнглини кўтариш экан. Ҳазрат **Алишер Навоий** сўзи билан айтганда:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг*
*хотирин шод айлагай,*
*Онча борким, Каъба вайрон*
*бўлса обод айлагай...*

**Бобур ЭЛМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ФУТБОЛ

## Ўзбекистон терма жамоаси

### 2015 йили Австралияда бўладиган Осиё кубоги гуруҳ босқичида кимлар билан ўйнайди?

Кеча Сидней шаҳрида 2015 йил январь ойида бўладиган Осиё чемпионати финал босқичи гуруҳ учрашувларига қуръа ташланди. Мазкур нуфузли мусобақада қитъамизнинг ўн олти терма жамоаси иштирок этади.

Қуръага кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси «В» гуруҳидан жой олди. Ҳамюртларимиз кейинги босқичга бериладиган икки йўлланма учун Саудия Арабистони, Хитой ва КХДР футболчилари билан баҳс юритишади.

Тақвимга мувофиқ, футболчиларимиз илк учрашувни 10 январда Сиднейда КХДР терма жамоаси билан ўтказади. 14 январда бўладиган иккинчи турнинг Хитой — Ўзбекистон учрашуви эса Брисбенда уюштирилиши белгиланган. Ҳамюртларимиз гуруҳдаги охирги ўйинни орадан тўрт кун ўтгач, Мельбурнда Саудия Арабистони вакилларига қарши ўтказади.

***Мусобақанинг қолган гуруҳлари билан танишинг:***

**«А» гуруҳи:** Австралия, Жанубий Корея, Уммон, Қувайт.

**«С» гуруҳи:** Эрон, БАА, Қатар, Баҳрайн.

**«D» гуруҳи:** Япония, Иордания, Ироқ, Чақирув Кубоги-2014 ғолиби.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**




СПОРТ

**Шу йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида II Бутунжаҳон ўсмирлар Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Айни пайтда мамлакатимиз ёш спортчилари кўплаб спорт турлари бўйича мазкур нуфузли мусобақага йўлланмаларни қўлга киритиш учун баҳс юритишмоқда.**

## Ўн еттита йўлланма

Шу кунларда Хитой Тайпейида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган X жаҳон чемпионати қизғин давом этмоқда. Унда тўқсондан зиёд давлат вакиллари ғолиблик учун курашмоқда. Бу нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини Умида Абдуллаева, Динара Маматибрагимова, Валентин Хегай, Руслан Шин, Шаҳриёр Субҳонов сингари спортчилар ҳимоя қилишмоқда.

Мусобақа низомига кўра, ғолиб ва совриндорлар II Бутунжаҳон ўсмирлар Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Умида Абдуллаева (63 кг.) керёгу йўналиши бўйича майдонга чиқди. Иқтидорли спортчимиз дастлаб баҳрайнлик рақибини 29:2, мексикалик таэквондочини эса 9:2 ҳисобида енгди. Ярим финалда Умида украиналик спортчидан очколар ҳисобида устун келди — 10:8. Амалда Нанкин олимпиадасида қатнашиш масаласини ҳал қилган ҳамюртимиз финал баҳсида ҳам ўз маҳоратини намойиш этди. У АҚШ вакилини 4:3 ҳисобда мағлубиятга учратиб, мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматининг билдиришича, ҳозиргача ўзбекистонлик спортчилар Хитойда бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги II Бутунжаҳон Олимпия ўйинларига ўн еттита йўлланмани қўлга киритишган. Ҳамюртларимиз таэквондо (WTF), ўқ отиш, оғир атлетика, бадиий гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, дзюдо бўйича мусобақаларда иштирок этишади.

Мамлакатимиз спортчилари шу йилнинг июль ойигa қадар эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши, спорт гимнастикаси, трамполин, бокс, енгил атлетика, сузиш, қиличбозлик, триатлон каби спорт турлари бўйича нуфузли мусобақаларда қатнашиб, олимпия йўлланмалари учун курашни давом эттирадилар.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



***Суратда:*** истеъдодли таэквондочимиз Умида Абдуллаева (чапдан иккинчи) шоҳсупада.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

РЕКЛАМА

## «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

*қуйидаги объектни тўлиғича реконструкция қилиб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚСсиз | ҚҚС билан | |
| 1 | «Дамхўжа» ҳудудлараро сув тармоғи тоифаланган объектлари тўсиқ девори ва қўриқлаш мосламасини реконструкция қилиш | 1 601 877 195 сўм | 1 922 252 634 сўм | 9 ой |

***Қурилиш ишлари Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

***Савдо ташкилотчиси*** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи:*** «Ўзкоммунхизмат» агентлиги объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси.

***Манзили:*** Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй, ***телефон:*** (8371) 235-78-24.

***Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:*** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, Ўзбекистон Республикаси ўта муҳим ва тоифаланган объектларда қўриқлаш мосламаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун махсус рухсатномага ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

***Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:*** қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.**

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносида соат 10-00 да** ўтказилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

## Жиззах вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

*2014 йил Манзилли дастурига киритилган қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини*

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т.р. | Объект номи | Бошланғич қиймат, млн. сўм | | Ишларни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚСсиз | ҚҚС билан | |
| | Лот № 24: | | | |
| Лот 24-1 | Жиззах вилоят, Зафаробод туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказини капитал таъмирлаш. | 443,321 | 531,985 | 2014 йил 20 августгача |
| Лот 24-2 | Жиззах вилоят, Янгиобод туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказини капитал таъмирлаш. | 336,727 | 404,072 | |

***Ишларни молиялаштириш*** вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан.

***Буюртмачининг манзили:*** Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 100-уй.

***Телефон:*** (8372) 222-46-40, 222-26-41.

***Диққат!*** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан турар ва нотурар-жой биноларини капитал ҳамда жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.

***Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:*** танлов савдоси предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

***Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган:*** оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

***Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.***

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 ва 100 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб, 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

***Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 100-уй вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси, мажлислар зали.***

ОБ-ҲАВО 27-28 — 03. 2014

Юртимиз бўйлаб (°С)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | 0 / +5 | +12 / +17 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | 0 / +5 | +10 / +15 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | 0 / +5 | +10 / +15 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +2 / +7 | +12 / +17 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | 0 / +5 | +8 / +13 |
| Тошкент шаҳри | +2 / +4 | +11 / +13 |

Дунё бўйлаб (°С)

| | |
|---|---|
| Лондон | +9 / +12 |
| Париж | +11 / +15 |
| Москва | +8 / +2 |
| Мадрид | +13 / +17 |
| Пекин | +25 / +20 |
| Канберра | +21 / +23 |
| Рим | +11 / +16 |
| Афина | +17 / +17 |
| Токио | +18 / +18 |
| Стокгольм | +9 / +6 |
| Кейптаун | +21 / +24 |
| Қоҳира | +29 / +29 |
| Гавана | +30 / +32 |
| Вашингтон | +9 / +17 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 360
22116 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 02.30
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5